ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ТУРКИЙЗАБОН ХАЛҚЛАРДА ЭТНОЛИНГВИСТИК ЖАРАЁНЛАР

У. АБДУЛЛАЕВ

Мақолада кўплаб манба ва илмий асарларга таянган ҳолда илк ўрта асрларда минтақамизда яшаган бир қатор этносларнинг этнолингвистик жараёнлардаги иштироки таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *этнос, этнолингвистика, этномаданият, қарлуқ.*

В статье, опираясь на большое количество источников и трудов, проанализировано участие различных этносов, проживавших в нашем регионе в период раннего средневековья, в этнолингвистических процессах.

Ключевые слова: *этнос, этнолингвистика, этнокультура, карлук.*

Basing his viewpoints on a number of historical sources the author studied maany sources of scientific value and analysed participation of various ethnoses in the ethnolistic processes and their specific features on this period have been showed.

Key words: *ethnos, etnolistic, etnoculture, qarlooq.*

Ҳар бир этносни бошқа бир этносдан ажратиб турувчи муҳим белгилардан бири бу унинг тилидир. Этнос назариясига кўра ҳам тил этносни белгилаб турувчи асосий аломатлардан ҳисобланади. Айни вақтда тил алоқа воситасидирки, инсонлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларда унинг аҳамияти беқиёс.

Маълумки, ҳар бир этносга хос тил ҳам шу этноснинг шаклланиш жараёнида тараққий этиб боради. Муайян бир этнос бошқа этнос билан муносабатга киришар экан, ушбу муносабатлар натижаси, аввало, уларнинг тилида ўз аксини топади.

Н.А.Баскаков илк ўрта асрларда Марказий Осиё минтақасида уч туркий тил гуруҳи – ўғуз, қипчоқ ва қарлуқ-уйғур тил гуруҳлари мавжуд бўлганини айтиб ўтади [1.117-119]. Ушбу туркий тил гуруҳларининг муайян бир этник муҳитда, турли этник бирикмаларнинг тил ва этник жиҳатдан қоришувлари натижасида шаклланган аниқ. Ўғуз тил гуруҳи ўғуз ва салжуқ қабилалари орасида, қипчоқ тил гуруҳи дашти-қипчоқ қабилалари орасида, қарлуқ тил гуруҳи эса қарлуқ ва унга қардош бўлган халач, чиғил, яғмо ва бошқа қабилалар ичида ҳосил бўлган. Илк ўрта асрларда мавжуд бўлган ушбу тил гуруҳлари кейинчалик бир қатор туркий халқларнинг адабий тили шаклланишида асос бўлди.

Қарлуқ-чиғил, қипчоқ ва ўғуз тил гуруҳлари ўзбек тилининг лаҳжалари бўлиб, улар ҳам айрим маҳаллий шеваларга ажралади. Гарчи ўзбек тилининг мазкур лаҳжалари шаклланишида бир неча этносларга хос тил элементлари иштирок этса-да, айрим қабилаларнинг тил хусусиятлари устуворлик қилгани, яъни субстрат (замин) бўлгани аён. Масалан, ўзбек тилининг қарлуқ-чиғил лаҳжасини шакллантиришда қарлуқ, чиғил, халач, яғмо, дулу ва бошқа бир қанча туркий қабилаларнинг тил элементлари фаол иштирок этгани ҳолда, ўша кезларда сиёсий жиҳатдан (сон жиҳатдан ҳам) нафузли бўлган, ўз атрофида турли туркий қабилаларни бирлаштириб турган қарлуқ қабиласининг тили устуворлик қилган.

Шу жойда айтиб ўтиш ўринлики, ўзбек тили қарлуқ-чиғил лаҳжасининг шаклланишида айнан қарлуқ қабиласининг тили етакчи бўлганига бир қатор тадқиқотчилар қўшилмайдилар, улар бунда чиғил қабиласининг тилини асосий ўринга қўйиш керак, деб айтадилар. Масалан, С.М.Муталлибов XI асрда Жанубий Қирғизистон (Ўзган ва унинг атрофида) ва Ўрта Осиёда чиғиллар энг зўр ҳоким қабилага айланиб, ўз таъсирларини жуда кенг доирага ёйган, уларнинг тили қорахонийлар давлатида етакчи мавқени эгаллаган, умумийлаштирувчи тилга айланган эди, деб таъкидлайди [2.33-34].

Тилшунос олимлардан яна бири С.Иброҳимов ҳам ўзбек тилининг Андижон шевасига бағишланган ишида бу шева этногенетик жиҳатдан қадимий чиғил лаҳжасига бориб тақалишини айтиб, «... қарлуқ-чиғил диалектида биринчи (етакчи) ўринга қарлуқ тилини қўйиш ҳам унча ўринли бўлмас» деб ёзади [3.8-9].

Кўриниб турибдики, юқорида исм-шарифлари кўрсатилган тилшунос олимлар ўзбек тили қарлуқ-чиғил лаҳжасининг вужудга келишида чиғил қабиласининг тили устувор бўлган ва умумэлат

тилини умумлаштирувчилик вазифасини бажарган, деган хулосага келадилар. Фикримизча, бу хулоса унча тўғри эмас. Гап шундаки, ҳақиқатан ҳам чиғиллар қадимий туркий этнослардан бўлиб, ўзбек халқининг этногенетик жараёнида ҳамда ўзбек тили тарихида, хусусан, биз кўриб чиқаётган тил бирлигининг вужудга келишида муҳим роль ўйнаганлар. Чиғиллар қарлуқ қорахонийлари ҳудудида яшаб турган бир қатор туркий қавмлар ичида нуфузли (қарлуқлардан кейин) этнос саналгани, қарлуқ билан бирга давлат сиёсий ҳаётида етакчилик қилгани ҳам ҳақиқат. Боз устига, Маҳмуд Қошғарий ҳам «Девону луғотит турк»да қарлуқлар ҳукмронлик қилган ҳудудлардаги бир қатор туркий қабилаларнинг тил хусусиятлари ҳақида гапириб, чиғил қабиласи ва унинг тил хусусиятларига кўпроқ тўхталган эди. Чунончи, Маҳмуд Қошғарий айнан чиғилларнинг тил хусусиятларини ўғузларники билан қиёслайди.

Ўзбек халқи алоҳида элат бўлиб шаклланаётган кезларда чиғилларнинг бундай нуфузга эга бўлиши бир қатор тадқиқотчиларга, жумладан, юқорида исм-шарифлари кўрсатилган тилшунос олимларга ҳам ушбу қабила тили қарлуқ-чиғил лаҳжасининг қарор топишида етакчи ўринни эгаллаган, деб ҳисоблашга асос бўлган. Бироқ ушбу фикрни илгари сурган олимлар чиғиллар узоқ вақт қарлуқларнинг этник ҳамда сиёсий уюшмаси таркибида шаклланиб келганига кам эътибор берганлар. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ушбу тилшунос олимларнинг қарлуқ, чиғил этноси ва уларнинг этногенетик жараёни ҳақида равшан тушунчага эга эмаслиги кўринади [4.73]. Акс ҳолда ушбу муаллифлар чиғил ва қарлуқ этнослари этногенетик жиҳатдан жуда яқин боғланган этнослар эканини, ўзбек халқи алоҳида элат бўлиб шаклланаётган кезларда қарлуқ ва чиғил қабилалари тилида деярли фарқ бўлмаганини, ҳар икки халқ тили аслида бир тил эканлигини тушуниб етган бўлардилар.

Фикримизни далиллар билан асослашга ҳаракат қиламиз. Маълумки, тарихий манбаларда, хусусан, Хитой солномаларида чиғиллар қарлуқ этник уюшмасига кирган уч уруғнинг бири экани айтилади. Масалан, «Танг сулоласи янги тарихи»нинг 217-боби иккинчи қисмида қарлуқ (хитойча номи гэлилу) мулу ёки мула, жиси ва тоши (тошли) каби учта қабиладан иборат бўлгани кўрсатилади [5].

Н.А.Аристов фикрича, чиғил ана шу уч уруғнинг бирини, яъни жиси қабиласининг номини билдиради [6]. К.Шониёзов юқоридаги далилларга асосланиб «... биз чиғилларнинг қадимги даврларда қарлуқларнинг бир уруғи бўлиб, кейинчалик булар алоҳида қабила бўлиб қолган ва қарлуқ уюшмасига кирган, деб қараймиз» деб ёзган эди [7.484]. Ушбу олим ўзининг кейинги ишларидан бирида ҳам «чиғиллар... қарлуқларнинг уч қавмидан бири бўлган, улар ҳам қарлуқлар эдилар» деган фикрни қатъий айтади [8.40]. Агарки қарлуқ ва чиғил қабилалари аслида бир халқ, тилларида ҳам фарқ йўқлигини инобатга олсак, у ҳолда биз кўриб чиқаётган тил бирлигининг вужудга келишида ягона халқнинг тили устуворлик қилгани маълум бўлади. Бу, шубҳасиз, ушбу тил бирлиги шаклланаётган ҳудуддаги туркий қабилалар ичида энг кўпсонли ва юксак сиёсий нуфузга эга бўлгани, қўшни диалектларни ўз атрофига жамлай олган қарлуқлар тили эди.

Кейинчалик ушбу тил бирлиги илмий адабиётларда тилшунослар томонидан ўзбек тилининг қарлуқ ёки қарлуқ-чиғил лаҳжаси тарзида атала бошланди. Албатта, қарлуқ-чиғил тил лаҳжаси нафақат айрим этносларни, балки кўплаб туркий ва ҳатто туркий бўлмаган халқларнинг этник ва тил соҳасидаги ўзаро муносабатларининг маҳсулидир. Чунончи, биз юқорида уқтириб ўтганимиздек, ушбу тил бирлигининг вужудга келишида қарлуқлар давлати таркибида бўлган халач, арғу, тухси, яғмо, бижанак, ябақу, дули ва бошқа бир қатор туркий тилли қабилаларнинг иштироки катта бўлган. Тўғри, уларнинг ўзбек элати ва унинг тили шаклланишидаги иштирокини бир хил даражада бўлган деб ҳам бўлмайди. Фикримизча, бу жараёндаги уларнинг фаоллик даражасини қуйидаги икки омил белгилаган: а) янги этник бирлик (элат) ядросига генетик ва тил жиҳатдан яқинлиги; б) этноҳудудий бирлик, яъни янги элат ва унинг тили (қарлуқ-чиғил лаҳжаси) шаклланаётган ҳудудда турғун ёки узоқ давр муқум яшаб туриши.

Қарлуқ қабила уюшмаси ва давлати таркибида бўлган қадимий туркий тилли этнослардан бири халачлар эди. Халачлар ҳам чиғиллар каби узоқ давр мобайнида қарлуқлар билан аралаш яшаб келганлар. Уларнинг тили ҳам қарлуқ қабиласи тилидан деярли фарқ қилмаган. К.Шониёзов Хитой солномаларида кўрсатиб ўтилган қарлуқ этник уюшмасига кирувчи уч уруғнинг бирини, яъни таши (тошли) уруғини халачлар билан тенглаштиради [7.484].

Хуллас, қарлуқ-чиғил лаҳжасининг вужудга келишида муҳим аҳамият касб этган қардош қарлуқ, чиғил ва халач этносларининг тили бир-биридан деярли фарқ қилмаган. Қарлуқ қорахонийлари ҳудудида яшаган яғмо, арғу, тухси, ябоқу каби туркий халқларнинг тили эса баъзи бир хусусиятлари билан қарлуқ, чиғил ва халачларнинг тилидан оз бўлса-да фарқланган. Буни Маҳмуд Қошғарий

ҳам ўз асарида қайд қилган эди [8.66]. Шунга қарамай, мазкур этник жамоалар биз кўриб чиқаётган тил бирлигининг, умуман, ўзбек халқининг элат бўлиб шаклланишида иштирок қилганига шубҳа йўқ. Шулардан бири яғмо этносидир. Таъкид этиш жоизки, яғмоларнинг этник мансублиги фанда бирмунча баҳслидир. Айрим тадқиқотчилар яғмоларни этногенетик жиҳатдан уйғурлар билан боғласалар, бошқалар буни инкор этиб, яғмолар уйғурлар тасарруфида бўлган бўлиши мумкин, лекин уларнинг уйғур эканига ҳеч қандай илмий асос йўқлигини уқтирадилар [9.345-346]. Дарҳақиқат, Маҳмуд Қошғарий ҳам яғмо тилини уйғур тили билан эмас, балки тухси, ябоқу, қипчоқ, ўғуз тиллари билан бир қаторга қўядики, бу ушбу этнос тили уйғур тилидан бирмунча фарқланишидан далолат беради [8.65-69].

Биз учун муҳими шуки, яғмоларнинг салмоқли қисми IX-XII асрларда Фарғона водийсининг шимолий минтақаларида ва унга туташ ҳудудларда яшаганлар. Албатта, улар ҳам бу ерда кечган этник ва лингвистик жараёнларда иштирок этганлар.

IX аср охири – XI асрнинг бошларида Еттисувдан Тошкент воҳасига ва Фарғона водийсига қадимий туркий қабилалардан яна бири – арғунлар ҳам кўчиб келиб яшаганлар.

X аср давомида бошқа бир туркий этнос тухсилар ҳам Қарлуқлар давлати таркибида бўлиб, чиғил, халач, яғмо, арғу ва бошқа этнослар қатори ўзбек элати ва тилининг шаклланиш жараёнида фаол қатнашган.

Бу даврда Фарғона водийсида кечаётган этник ва этнолингвистик жараёнларда қадимдан мавжуд бўлган туркий қабилалардан яна бири – дулулар ҳам фаол иштирок қилганлиги маълум. Дулуларнинг этногенези уйғурларга ва улар орқали хунларга бориб тақалади.[1]

Туркий тилли халқларнинг этнослараро муносабатлари тарихида ўзбек-уйғур халқларининг этник ва тил соҳасидаги алоқалари алоҳида ўрин тутади. Ўзбек ва уйғур халқларининг аждодлари қадимдан ёнма-ён, кўп ҳолларда аралаш яшаб келганлар. Масалан, қарлуқларнинг илк аждодлари уйғурлар билан бирга Иртиш бўйлари, Олтойда қўшни яшаганлари тарихий маълумотлардан маълум. Қолаверса, ўзбек ва уйғур элатларининг шаклланишида фаол иштирок қилган бир қанча қабилалар ўтмишда ягона, яъни теле қабила иттифоқига кирганлар.[2] Албатта, бундай аралаш яшаган икки этнос орасида ўша даврлардаёқ иқтисодий ва маданий алоқалар таркиб топган, бу яқинлик уларнинг тилида ҳам ўз аксини топган. Ҳар икки этнос тилидаги яқинликка ишора қилиб айрим тадқиқотчилар уйғур тили ҳам ўзбек тилининг шаклланишига асос бўлган, деган фикрни айтадилар. Чунончи, Н.А.Баскаков туркий тиллар классификацияси масаласига бағишланган ишида, ўзбек тилини туркий тилларнинг қарлуқ гуруҳига киритиб, уни ҳам иккига бўлган эди. Олим биринчи гуруҳни қурлуқ-уйғур, иккинчисини эса қарлуқ-Хоразм гуруҳи деб атайди [10].

В.В.Решетов ҳам ўзбек тили қарлуқ-чиғил лаҳжасининг шаклланишида уйғур этносининг ролига баҳо бериб, бу тил бирлигини ўзбек тилининг қарлуқ-чиғил-уйғур лаҳжаси деб номлайди [11]. Бундан ҳар иккала тилшунос олим ҳам уйғур тили қарлуқ тили билан бир хил даражада ўзбек тилининг шаклланишида асос бўлган, деган фикрни илгари сураётганини илғаб олиш қийин эмас. Агар масала моҳиятини шу тарзда тушуниб, ушбу фикрни қабул қилсак, у ҳолда ўзбек тилининг шаклланишида уйғур тили қўшни диалектларни ўз атрофига жамлаган ва қарлуқ тили билан баб-баробар ўзбек элати тилига асос бўлган, яна ҳам аниқроғи, ўзбек тили уйғур тили заминида ҳам шаклланган бўлиб чиқади.

Назаримизда ўзбек элати тилининг шаклланишида уйғур тили хусусиятларига ҳаддан ташқари катта ўрин ажратиш ҳам тарихий ҳақиқатга тўғри келмас. Негаки, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, гарчи ўзбек ва уйғур халқининг аждодлари

---

[1] Ушбу туркий қабила ҳақида қуйидаги тарихий маълумотларни келтириб ўтиш мумкин. Хитойшунос олим Н.Я.Бичурин милодий V асрларда Хитой солномаларидан бирида келтирилган ўн иккита уйғур қабилаларидан бири «тулу» деб аталганлигини ёзади. Н.А.Аристов эса тулу этнонимини дулу этносига тенглаштириб, ҳар икки этноним бир халқнинг номидир деб ҳисоблайди.

Дулулар VII-VIII асрларда Жунғория (Хитойнинг шимолий-ғарбида, Синьязян уйғур автоном райони шимолидаги табиий-географик ҳудуд)нинг жанубий-ғарбий қисмида, Еттисувда яшаганлар. Дулу Ғарбий турк хоқонлигидаги беш уруғдан (қабиладан) ташкил топган қабила иттифоқларидан бири эди. Ғарбий турк хоқонлигидаги иккинчи йирик қабила иттифоқи нушиби деб аталиб, бунинг таркибида ҳам беш уруғ (қабила) бўлган. Дулу ва нушиби қабила иттифоқидаги ўн уруғ тарихий манбаларда «ўн уқли» ёки «ўн уруғли» халқ деб аталган. Дулуларнинг бир қисми ички қабилавий низолар туфайли Еттисувдан кетиб, Волга бўйларига бориб ўрнашдилар ва VII асрда бу ердаги туркий қабилаларни бирлаштириб, Хазар хоқонлигига асос соладилар. Дулуларнинг Еттисувда қолган гуруҳлари кейинчалик ўзбек, қозоқ ва қирғиз халқлари таркибига кириб, улар билан аралашиб, ўз номларини унутиб юборганлар.

[2] Илк ўрта асрларда уйғур қабила иттифоқи «тўғиз-ўғиз» деб аталган.

узоқ вақт ёнма-ён, аралаш яшаб келган, яқин тилларда сўзлашган бўлсалар-да, тарихий тараққиётнинг кейинги босқичларида ушбу халқлар алоҳида этник бирлик бўлиб шаклланар эканлар, уларнинг тиллари ҳам алоҳида-алоҳида ҳолда ривожланиб борган.

Тарихдан маълумки, VIII асрнинг ўрталарида ҳозирги Мўғулистон ҳудудида Уйғур ҳоқонлиги ташкил топган эди. Шу асрнинг 60-йилларида эса Еттисувда қарлуқ этник уюшмаси, кейинчалик IX асрнинг 40-йилларида кенгроқ ҳудудда Қарлуқ давлати вужудга келган. Шу тарихий воқеалардан кейин бу икки халқ тили мустақил равишда тараққий этди. Чунки IX–X асрларда Еттисувда, Фарғонада, Мовароуннаҳрнинг айрим вилоятларида, масалан, Тохаристонда жойлашган кўпчилик туркий тилли аҳолига қарлуқлар; Мўғулистонда, кейинроқ (840 йилдан бошлаб) Шарқий Туркистоннинг катта қисмида, Шимолий Хитойдаги туркий тилли аҳолига эса уйғурлар етакчилик қилиб келганлар. Уйғурларнинг сиёсий ҳукмронлиги ўрнатилган ҳудудларда уйғурлар тили, қарлуқ қорахонийлар ҳудудида IX-X асрларда қарлуқ тили устуворлик қилган. Натижада икки элат тили, яъни уйғур ва ўзбек элати тили вужудга келган [7.103].

Кўриниб турибдики, VIII асрнинг II ярмидан эътиборан қарлуқ ва уйғур халқлари турли хил тарихий-этник муҳитда яшаганлар ва шу боис уларнинг тилларида бир қатор ўзгаришлар содир бўлган, бу ўзгаришлар тилнинг фонетик, морфологик ва лексик тузилишида ўз аксини топган. Хуллас, IX–X асрлардаги уйғур тили ҳамда ўзбек тилига асос бўлган қарлуқ тили бир-биридан анча фарқ қилар эди [1.170-172; 12.108-109]

Адабиётлар:

1. Баскаков Н.А. Тюркские языки народов Средней Азии и Казахстана // Народы Средней Азии и Казахстана. (Народы Мира).- М., 1962.
2. Муталлибоев С.М. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк.- Т., 1959.
3. Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Андижон шеваси.- Т., 1967
4. Шаниязов К. Ценный труд ученого-лингвиста // ОНУ.- 1961.- №3.
5. Хўжаев А., Хўжаев К.. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши . Т., 2001
6. Аристов Н.А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности // Живая старина.- Вып. III, IV.- СПб., 1896.
7. Шониёзов К. Қарлуқ қабиласи ва унинг тили ҳақида айрим мулоҳазалар // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 4 китоб.- Т., 1962.
8. Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк 1-жилд (таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибоев).- Т., 1960.
9. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.- Т., 2001.
10. Баскаков Н.А. К вопросу о классификации тюркских языков // Известия АН СССР. Т. XI. Вып. 2.- М., 1952.
11. Решетов В.В. Ўзбек тилининг қарлуқ-чиғил-уйғур лаҳжаси // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари.- 1960.- №5.
12. Щербак А.И. Огузнаме. Мухаббат-наме.- М., 1959

Андижон машинасозлик институти,
2014 йил 10 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)